XALQ DEPUTATLARI JIZZAX SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 10 - yanvar VI-36-14-3-55-K/22 Jizzax shahar hokimligi

Жиззах шаҳрининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2021 й., 03/21/742/1229-сон), Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 27, 99-моддалари (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон) ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/836-сонли хатини инобатга олиб, 2022 йил учун шаҳар маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг 2022 йил 5 январдаги “Жиззах вилоятининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-31-5-3-0-K/22-сонли қарори (кейинги ўринларда - Қарор) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жиззах шаҳар маҳаллий бюджети даромадларининг 2022 йилдаги асосий прогноз режа кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. 2022 йил учун Жиззах шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

4. Умумдавлат солиқларидан Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан шаҳар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда шаҳар Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Қарорга асосан 2022 йилда:

А) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар маҳаллий бюджетига тўлиғича ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

давлат мулки бўйича ижара тўловлари;

ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблағлари;

бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетига тушадиган тушумлар;

Б) шаҳар маҳаллий бюджетига қуйидаги улушларда :

Жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) 40 фоизи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан тушумларнинг 40 фоизи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан тушумларнинг 30 фоизи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғидан тушумларнинг 10 фоизи миқдорида ўтказиб берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажми 4-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. Шаҳар маҳаллий бюджети даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан вилоят ҳокимлигига мурожаат қилиши қонун билан белгиланганлиги инобатга олинсин.

8. Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ва жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»га маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг 5 фоизига тенг миқдорида 6-иловага мувофиқ қабул қилинсин ҳамда шаклланган қўшимча маблағларнинг камида 30 фоизини режалаштирилиши таъминлансин.

10. 2022 йил учун шаҳар бюджетининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

11. Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ захира жамғармалари маҳаллий бюджетларнинг тасдиқланган харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилиши белгиланганлигидан келиб чиқиб, 2022 йил учун шаҳарнинг шаҳар бюджети захира жамғармаси ҳажми 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 9-иловага ҳамда жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв. м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунга кўра, шаҳар давлат солиқ инспекцияси (Э.Эркабоев) тасдиқланган коэффициентлар ва солиқ ставкаларига мувофиқ 2022 йил учун жисмоний ва юридик шахсларга ер солиғини ҳисоблаш вазифаси юклатилсин.

Бунда, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозимлигига алоҳида эътибор қаратсин.

13. Шаҳар маҳаллий бюджетида шаклланган қўшимча манбалар молия йили давомида тегишлича Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан шаҳар хокимлиги таклифлари асосида, Кенгаш карорларига асосан ишлатилиши белгилансин. Кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш ҳолатлари юзага келганда шаҳар ҳокимининг қарор ва фармойишлари асосида ишлатилиб, кейинчалик Халқ депутатлари Кенгашларига ҳисобот бериб борилсин.

14. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан қўшимча равишда амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар тегишлилиги бўйича ушбу маҳаллий бюджетларнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манбаа маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

15. Шаҳар ҳокимлиги ҳудудий бюджет таксимловчилар билан биргаликда тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини таъминласин.

16. Бюджет ижросининг очиқлилигини таъминлаш мақсадида

Бюджет маблағи тақсимловчилари;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

Шаҳар давлат солиқ инспекцияси солиқ имтиёзлари рўйхатини, шунингдек тақдим этилган солиқ имтиёзларининг миқдори тўғрисидаги маълумотларни солиқ тўловчилари кесимида ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай жойлаштирилиши таъминлансин.

Шаҳар молия бўлими бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар кесимида шаҳар маҳаллий бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларни ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз расмий веб-сайтларига ҳар чорак якунларига кўра, чоракдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечиктирмай жойлаштирсин.

17. Шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Тожибоев, шаҳар молия бўлими (А.Абдужалилов), шаҳар солик инспекцияси (Э.Эркабоев)ларга 2022 йилдаги бюджет-солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор “Жиззах овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда шахар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

19. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда шаҳар ҳокимлиги зиммасига юклатилсин.

20. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **К.Холмуродов**

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
1-илова

1-илова

Жиззах вилояти Жиззах шаҳари маҳаллий бюджетининг даромадларининг				
2022 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари				
		минг сўмда		
Т/Р	**Даромад турлари**	**Жами**	**ЖАМИ**	**152 753 229,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	11 165 200		
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	102 453 200		
3	Акциз солиғи, жами	**2 312 600,0**		
	шу жумладан:			
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*2 312 600,0*		
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6 023 200,0		
5	Юридик шахслар ер солиғи	5 402 400,0		
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1 079 000,0		
7	Ягона солиқ тўлови	7 278 000,0		
8	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)			
9	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	8 545 000,0		
10	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ норуда			
11	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	6 550 000,0		
12	Тақсимланувчи даромадлар	**0,0**		
13	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)			
14	Мобил алоқага акциз солиғи			
15	Йиғимлар			
16	Ижара	606 000,0		
17	Трансферт	1 338 629,0		

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Жиззах шаҳари бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар	2022 йил
Шаҳар бўйича харажатлари миқдори, Жами		**152 753 229,0**
1	Шаҳар халқ таълими бўлими	9 008 526,0
2	Шаҳар Мактабгача таълим бўлими	9 670 818,0
3	Шаҳар Тиббиёт бирлашмаси	44 063 148,0
4	Тиббий ижтимоий хизматлар	156 492,0
5	**Шаҳар Маданият бўлими**	**4 526 955,0**
	шундан	
	1-сон мусика ва санъат мактаби	1 800 000,0
	2-сон мусика ва санъат мактаби	1 881 000,0
6	Шаҳар Жисмоний тарбия ва спорт бўлими	2 721 062,0
7	Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази	555 221,0
8	Шаҳар ҳокимлиги Молия бўлими	1 114 357,4
9	Ижтимоий куникма маркази	74 168,0
10	Шаҳар ҳокимлиги захира жамгармаси	1 441 068,0
11	Шаҳар ветеринария бўлими	1 082 939,0
12	**Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси**	**23 749 207,0**
	шундан:	
	Дренаж ишлари	319 410,0
	Ички йулларни таъмирлаш	1 038 507,0

13	Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари сақлаш	3 439 824,0
14	Фукаролар ташаббуси жамгармаси	7 205 341,0
15	Хоким ёрдамчилари тавсиялари асосида махалла инфратузилмасини яхшилаш	1 307 370,0
16	**Шаҳар ҳокимлиги**	**42 636 732,6**
	шундан	
	Ижтимоий нафақалар	36 205 395,0

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туман-лар номи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (қатий белгиланган солиқ)	Жисмоний шахслар ер солиғи	Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Ижара тўлови	Акциз солиғи: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Сув ресурслари-дан фойдалан-ганлик учун солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари-нинг бошқа тушумлари*
1	Жиззах шаҳри	40	20	0	100	100	100	0	100	10	30	100	40	0

Изоҳ: *** Ер участкаларига булган хукукларни сотишдан тушган пул маблаглари
Бюджет ташкилотлари асосий воситалари сотилишидан туман ва шахар бюджетига тушумлар
Вилоятга бўйсунадиган туман ва шахар бюджетининг бошка тушумлари

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
4-илова

Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромад	шундан			
		Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Солиқ режаси	шундан	
				Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори	Вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинадиган даромадлар миқдори
Жиззах шаҳри	514 820 000,0	0,0	514 820 000,0	151 414 600,0	363 435 400,0

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
5-илова

Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Ҳудуд номи	Жами даромадлар	шундан			Маҳаллий бюджет харажатлари
		Маҳаллий бюджет даромадлар	Ўтказиб бериладиган даромад (Акциз мобиль, тамаки ва алкоголь)	Тартибга солувчи трансферт миқдори	
ЖАМИ	**152 753 229,0**	**151 414 600,0**	**0,0**	**1 338 629,0**	**152 753 229,0**
Жиззах шаҳри	152 753 229,0	151 414 600,0	0,0	1 338 629,0	152 753 229,0

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
6-илова

2022 йил учун "Фукаролик ташаббуси жамгармаси"га ажратиладиган маблаг микдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
1	Жиззах шаҳар	**7 205 341,0**

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
7-илова

Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Жиззах шаҳар	**1 109 000,0**

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
8-илова

Жиззах шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси миқдори

минг сўмда

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Миқдор**
1	Жиззах шаҳар	**1 441 068,0**

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
9-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда 1 гектар ер учун белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	**Ҳудуд номи**	**Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)**	**Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (минг.сўмда)**
1	Жиззах шаҳар	1,25	36 300,0

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 10 январдаги
VI-36-14-3-55-K/22-сон қарорига
10-илова

Жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

Т/р	Ҳудуд номи	Коэффициент (0,7 дан 3,0 гача)	Ер солиғи ставкаси 2022 йил учун (сўмда)
1	Жиззах шаҳар	1,65	429,0